

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## **153** «Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети» лойиҳасининг техник-иқтисодий ҳисоб-китобини тасдиқлаш тўғрисида

### [Кўчирма]

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетининг фаолиятини ва моддий-техника базасини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 5 майдаги 130-сон қарорини бажариш юзасидан ҳамда «Ўзавтосаноат» акциядорлик компаниясининг Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети моддий-техника базасини яратиш бўйича харажатларини мақбуллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. «Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети» лойиҳасининг техник-иқтисодий ҳисоб-китоби асосий техник-иқтисодий параметрлари билан бирга иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. «Ўзавтосаноат» акциядорлик компаниясининг Тошкент шаҳри, Ниёзов кўчаси (Кичик ҳалқа йўли), 17-уй манзилида жойлашган бинолар ва иншоотлар комплексини туташ ҳудудлари билан бирга, шу жумладан реконструкция қилинган ҳамда янгидан барпо этилган иморатларни, шунингдек жиҳозлаш учун сотиб олинган мебеллар, анжомлар, ўқув ва лаборатория асбоб-ускуналарини, компьютер ва бошқа ташкилий-техникани, кутубхона фондини тезкор бошқарув ҳуқуқи билан Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети балансига ўтказиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетининг фаолиятини ва моддий-техника базасини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 5 майдаги 130-сон қарори 1-бандининг иккинчи хатбошидаги «бепул фойдаланишга» сўзлари чиқариб ташлансин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Рес-

---

\* Илова берилмайди.

**12 (564)-сон**

**— 13 —**

**153, 155-моддалар**

публикаси Бош вазирининг ўринбосари У.У. Розуқулов зиммасига юклан-  
син.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2013 йил 16 март,  
79-сон